

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ОБЛОКУЛОВА МАСТУРА МИЗРОБОВНА**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ГАП СТРУКТУРАСИДА ФЕЪЛНИНГ ШАХССИЗ  
ШАКЛЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия тиллари ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Облокулова Мастура Мизробовна**

Инглиз тили гап структурасида феълнинг шахссиз шаклларининг  
функционал таҳлили ..... 3

**Облокулова Мастура Мизробовна**

Функциональный анализ неличных форм глагола в структуре  
предложения английского языка..... 21

**Oblokulova Mastura Mizrobovna**

Functional analysis of the non- finite forms of the verb in the structure of the  
English sentence ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ОБЛОКУЛОВА МАСТУРА МИЗРОБОВНА**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ГАП СТРУКТУРАСИДА ФЕЪЛНИНГ ШАХССИЗ  
ШАКЛЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия тиллари ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. PhD/Fil50 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Сирожиддинов Шухрат Самариддинович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Сиддикова Ирода Абдузухуровна</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Хошимов Ғанижон Мирзаахмедович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Самарқанд давлат университети.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2017 йил соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: манзил бўйича: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-45-21;

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.М. Маннонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**К.Ш. Омонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**Г.Ҳ. Боқиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигининг сўнгги ўн йиллигида, турли тилларнинг синтактик структурасига бағишланган тадқиқотларда одатдаги синтаксиснинг анча мураккаб ва кўпқатламли тузилишини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ўрганилаётган материалга тизимли ва комплекс ёндашиш асосида феълнинг шахссиз шакллари синтактик семантиканинг янги йўналишлари нуктаи назаридан тадқиқ этиш, инглиз тилидаги гапларда феълнинг шахссиз шакллари ва унинг синтактик алоқаларининг синтактик позициясини, шу билан бирга синтаксемалар ва уларнинг боғланиш имкониятларини аниқлаш, юнкцион ҳамда компонент моделларни қўллаш зарурати мазкур тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб халқнинг таълим ва тарбия даражасини ҳар томонлама юксалтириш, унинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишда. «Ўзбекистон Республикаси келажакда ривожланишининг ҳаракат стратегияси» асосида «биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»<sup>1</sup>. Халқнинг буюк маънавий салоҳияти ва ақл-заковатини янада ошириш, мамлакатнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳамма тармоқларида фаннинг ролини кучайтириш ҳозирги кунда Республиканинг энг муҳим вазифаларидир. Ҳозирги куннинг талаби тилларни ўқитишда янги инновацион технологияни ўқув жараёнига татбиқ этиш ўта долзарбдир.

Инглиз тилининг гап структурасидаги феълнинг шахссиз шакллари функционал таҳлили синтактик семантика нуктаи назаридан ҳали етарлича тадқиқ этилмаган инфинитив, сифатдош ва герундийнинг синтактик бирлик сифатидаги хусусиятларини ўрганиш имконини беради. Диссертацияда феълнинг шахссиз шакллари синтактик мазмун ва шакл бирлигини аниқлаш вазифаси қўйилади. Гап структурасидаги феълнинг шахссиз шаклларидаги синтактик алоқалар, дифференциал синтактик ва синтактик-семантик белгилар тадқиқи муайян синтактик алоқа базасидаги бошқа синтаксемалар билан бирика олиш мумкинлигини кўрсатади. Шу боис инфинитив, сифатдош I ва герундийнинг ҳар хил синтактик позициялардаги синтактик семантик жиҳатдан синтактик сатҳда ўрганиш, алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан тавсифланади, бу дифференциал синтактик-семантик белгиларни аниқлаш имконини беради. Мазкур ишда олиб борилган экспериментал аспектдаги синтактик изланишлар турли хилдаги трансформацияларни феълнинг шахссиз шаклларига эга гаплар билан яхлитликда қўллашни талаб этади. Бу феълнинг шахссиз формаларининг синтактик-семантик ва дифференциал синтактик белгиларини қатъий фарқлаш, шунингдек уларнинг бирикувчанлик

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарақиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 22.

луғатини яратишга оид тавсияларни ишлаб чиқиш, инглиз тили амалий грамматикасини тузиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ № 1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорларида, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лингвистик адабиётларда ёритилган инглиз тилидаги феълнинг шахссиз шакллариининг илмий-назарий тадқиқи фанда мазкур муаммо бўйича аҳамиятли назарий ва амалий натижаларга эришилганидан далолат беради. Мазкур соҳада кўплаб ишлар чоп этилган. Уларда асосий эътибор феълнинг шахссиз шакллариининг морфологик томонларига ва уларнинг келиб чиқиши тарихига қаратилган. Олимларни сифатдош, герундий ва инфинитивнинг морфологик мавқеи ҳамда уларга хос грамматик шакллар ва маънолар масаласи қизиқтирган. Улар орасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар ва шу билан бирга, бошқа туркумга оид сўзларнинг фарқлари тадқиқ этилган. Шу ўринда А.С. Хорнби, З.Харрис, Д.Брейтлэнд, Ф.Т. Визер, Гудкова Е.А., В.Н. Ярцева, В.А. Алексеева, Е.П.Мусатова, Т.Е.Каменева, Н.И.Пушина, Т.В.Мирончук ва бошқа олимларнинг ишларини алоҳида қайд этиш лозим<sup>2</sup>. Шу ўринда ўзбек олимларидан Ш.С. Сафаров, Ш. Жалолова, У.К. Юсупов, Ж. Буранов,

---

<sup>2</sup> Хорнби А.С. Конструкции и обороты английского языка. – Москва: Наука, 1992. – 336 с.; Harris Z. Methods in Structural Linguistics. – The Hague, 1962. – 138 p.; Brightland J. A grammar of the English Tongue. –London, 1714. – 328 p.; Visser F.Th. A Historical Syntax of the English Language. – Leiden, 1966. Part 2. –248p.; Гудкова Е.А. Приглагольный инфинитив обстоятельства в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984. – 26с.; Ярцева В.Н. Парадигматика неличных форм глагола // Историко-типологическая морфология германских языков / Именные формы глагола, категория наречия монофлексия. – Москва: Наука, 1978. –176с.; Алексеева В.А. Функционирование неличных форм глагола в различных стилях речи // Вопросы грамматической структуры предложения и текста в английском языке. - Москва, 1987. – № 247. – С.3-9.; Мусатова Е.П. Функционально-семантическое пространство неличных форм глагола в современном английском языке. –Белгород, 2003. –№7. – С. 182-186.; Каменева Т. Е. Функциональный анализ французских причастий: статика и динамика в истории языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 22 с.; Пушина Н.И. Английское ing - формное письмо и грамматический экспрессивный потенциал ing - формы // Вестник Удмуртского университета. Серия «История и филология». – Удмур, 2011. – № 4. – С. 166-172.; Мирончук Т.В. Место продолжительного инфинитива в системе форм английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Тамбов, 2013. – 26с.;

У.Х. Хашимов, Х.Исматуллаевнинг изланишларини алоҳида қайд этиш лозим<sup>3</sup>.

Лингвистик эксперимент (ҳар хил турлар трансформацияси) усулига таяниб, феълнинг шахссиз шакллари синтактик (позицион) имкониятлари, дистрибутив, бевосита таркибий қисмлар усули, бирикиш (валентлик), компонентли ва синтаксемали таҳлил синтактик семантика сатҳида амалга оширилмаган. Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида феълнинг шахссиз шакллари гаплардаги элементар синтактик бирликларнинг ядро предикатив, субординатив, ядро предикатив бўлмаган, аппозитив, координатив ва интродуктив синтактик алоқалари, уларнинг позицион имкониятлари билан боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил этилмаган бўлиб, ушбу таҳлил тақдим этилаётган диссертацияда амалга оширилган. Феълнинг шахссиз шакллари у ёки бу синтактик позициядаги улар қуршовидаги унсурларни ифодалашнинг морфологик шакли билан боғлиқ ҳолда дистрибутив хусусиятларини ўрганиш муаммоси катта зарурат сифатида юзага келади. Ишда, шу тарзда, гаплар структурасидаги феълнинг шахссиз шакллари синтагматик муносабатлари ва уларнинг дифференциал синтактик-семантик хусусиятлари тадқиқ этилди. Шунингдек, дифференциал синтактик-семантик хусусиятларнинг парадигматик қаторлари ва уларнинг вариантлари илмий адабиётларда ўрганилмаган, бу бизнинг тадқиқотимиз объектидир. Шу билан бирга, гап структурасида шаклланган феълнинг шахссиз шакллари синтактик-семантик хусусиятларининг бирикиш шакллари ҳам тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ушбу диссертацияда инглиз тили бўйича илмий тадқиқотларда мазкур шакллари асосан морфологик ўрганилишидан фарқли ўлароқ сифатдош I герундий ва инфинитивнинг кенг синтактик-семантик таҳлили келтирилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Инглиз тили назарий грамматикасининг долзарб муаммолари», «Инглиз тилининг назарий грамматикаси», «Лингвистик тадқиқот методлари», «Гап структурасида грамматика ва семантика муаммолари ҳамда уларнинг қиёсий типологик тадқиқи», «Замонавий тилшунослик ва деривацион хусусиятлар» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасининг доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гап структурасида феълнинг шахссиз шакллари синтактик формал (синтактик позициялари ва алоқалари) хусусиятларини ва мазмун (синтактик-семантик) хусусиятларини ҳамда синтаксемаларнинг бирикишини аниқлашдан иборат.

---

<sup>3</sup>Сафаров Ш.С. Принципы системно-семантического анализа синтаксических единиц. – Ташкент: ТГПИ, 1983. – 98с.; Жалолова Ш., Юсупов У.К. Инглиз ва ўзбек тилларида инфинитив. – Самарқанд, 2010. – Б.101-103.; Бўронов Ж., Хошимов Ў., Исматуллаев Х. English Grammar. Инглиз тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 352б.; Хашимов У.Х. Типология неличных форм глагола // Вопросы сравнительной типологии. – Ташкент: ТГПИИЯ, 1981. – С.63 - 64.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

фёълнинг шахссиз шаклларининг морфологик мавқеи таҳлилини амалга ошириш;

морфологик парадигматика аспектида сифатдош I ва герундийни фарқлаш мезонларини ўрганиб чиқиш ва кўрсатиб бериш;

фёълнинг шахссиз шаклларининг гаплар структурасидаги позицион имкониятлари ва уларнинг синтактик функцияларини изохламоқ;

фёълнинг шахссиз шаклларига эга гапларда элементар синтактик бирликларнинг синтактик алоқаларини аниқлаш;

фёълнинг шахссиз шакллари билан ифодаланган элементар синтактик бирликлар дифференциал синтактик-семантик хусусиятларининг парадигматик қаторларини аниқлаш;

аниқланган синтактик-семантик хусусиятларнинг вариантларини тизимлаштириш ва уларнинг функционал ўзига хосликларини тадқиқ этиш;

дифференциал синтактик-семантик хусусиятларнинг бирикувини унинг бевосита муҳити билан боғлиқ ҳолда ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гаплар структурасида турли синтактик позицияларда вазифа бажарувчи фёълнинг шахссиз шакллари, ҳозирги инглиз тилида уларга хос бўлган барча синтактик-семантик хусусиятлари билан қамраб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фёълнинг шахссиз шакллари билан ифодаланган синтагматик муносабатлар компонентлари ва (инфинитив, сифатдош, герундий) синтактик-семантик хусусиятларнинг парадигматик қаторлари ҳамда уларнинг шу хусусиятлари билан эҳтимолий имкониятларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қуйидаги илмий-тадқиқот усуллардан: тавсифий, дистрибутив, бевосита ташкил этувчи компонентлар усули, трансформацион (ҳар хил турлар) усул, гапларнинг компонентли ва синтаксемали таҳлил усуллари, моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз тилининг микроконтекстидаги синтактик семантиканинг янги йўналишлари асосида фёълнинг шахссиз шакллари, комплексли ва тизимли равишда ишлаб чиқилган;

фёълнинг шахссиз шаклларининг дистрибутив имкониятлари ва уларнинг инглиз тили гап структурасидаги синтактик алоқалари аниқланган;

синтагматик ва парадигматик қаторда ва қонуниятларда синтактик алоқаларни аниқлаш ҳамда дифференциал синтактик-семантик хусусиятлар (синтаксемалар)ни ва шу асосда синтактик шаклларнинг конкрет моделлар базасида морфологик ифодаланишини юзага чиқариш усуллари асослаб берилган;

синтаксемалар ва уларнинг вариантлари гапдаги бошқа компонентлар билан бирика олиши қонуниятлари далилланган;

гап структурасида гап бўлаклари ва уларнинг семантикасини яққол акс эттириш учун компонент ва юнкцион моделлардан фойдаланиш зарурати исботланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Инглиз филологияси факультетларининг юқори босқич талабалари ҳамда магистрантлари учун инглиз тилини ўқитиш амалиётидаги синтактик семантика бўйича махсус курсларда синтактик семантикани ўрганиш тизими ишлаб чиқилган;

Феълнинг шахсиз шаклларининг синтактик позицияларини, улар орасидаги алоқаларни, гапларнинг зоҳирий ва ботиний структураларини акс эттирувчи синтактик-семантик хусусиятларини кўргазмалар тарзда ўрганиш учун гапларнинг ҳар хил (юнкцион ва компонент) моделлари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳозирги тилшуносликда методик ва назарий асосланган илмий хулосалардан, қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияланган усуллари асосида синтаксис, семантика, морфология, структур тилшунослик концепцияларидан фойдаланиш билан таъминланади. Шунингдек, назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқлиги билан ҳам тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти, унда амалга оширилган ҳозирги синтактик-семантик сатҳдаги тадқиқотнинг гап структурасидаги феълнинг шахсиз шакллари уларнинг маълум синтактик позицияларида тизимли, комплекс ўрганишга қаратилган. Бундай ўрганиш элементар синтактик бирликлар функционал муносабатларини икки турининг фарқланишига бир томондан, синтактик-семантик хусусиятлар орасидаги оппозитив муносабатлар, иккинчи томондан, эквивалентли муносабатлар ёки бир синтаксеманинг вариантлари орасида мавжуд бўлган функционал муқобиллик муносабатларига асосланади. Ушбу диссертация ҳозирги тилшунослик учун долзарб, гапларнинг синтактик структурасидаги янги қонуниятларни ва уларнинг шу шакллар синтаксемалари билан алоқасини аниқлаш имкониятини яратадиган валентлик назариясини ривожлантиради. Феълнинг шахсиз шаклларининг синтактик алоқалари ва позициялари билан бирга дифференциал синтактик-семантик хусусиятларининг таклиф этилаётган тадқиқи сифатдош ва герундийни фарқлашнинг ўзига хосликларини тушуниб етиш имконини беради.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда тақдим этилган синтактик семантикани ўрганиш тизими бўйича тадқиқотлар материалларидан инглиз тилининг нутқий амалиётида феълнинг шахсиз шаклли, ҳар хил вариантлардаги синтаксемаларнинг кенг спектри ва уларнинг бошқа синтаксемалар билан ўзига хос бирика оладиган гапларни қуришда фойдаланиш мумкин. Улар синтаксис, семасиология, лексикография бўйича маъруза курслари, магистрантлар учун синтаксемали таҳлил методикаси бўйича махсус курсларга асос бўлиши, улардан бирикувчанлик луғатини тузишда, курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва диссертациялар ёзишда амалий фойдаланиш мумкин. Ишда амалга оширилган феълнинг шахсиз шаклларининг функционал таҳлили натижалари «Синтаксис жадвалларда, схемаларда ва моделларда» грамматика бўйича услубий қўлланма учун материал бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гап структурасидаги феълнинг шахссиз шаклларининг функционал таҳлилини тадқиқ этиш асосида эришилган натижалар:

феълнинг шахссиз шаклларининг функционал таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот материалларидан ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 2 ноябрдаги ФТК-03-13/ 739- сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари синтагматик ва парадигматик каторда синтактик алоқаларни тавсифлаш ҳамда дифференциал синтактик-семантик хусусиятларни ва шунга боғлиқ ҳолда конкрет моделлар базасида уларнинг морфологик ифодаланишининг қонуниятлари асосида синтаксемаларни аниқлаш усуллари кўрсатишда асос бўлган;

тадқиқотдаги феълнинг шахссиз шакллари тўғрисидаги натижалар халқаро Бурч университети инглиз тили амалиёти йўналишида фойдаланилган (халқаро Бурч университетининг 14 октябрь 2016 йилдаги 02-176/16- сонли маълумотномаси). Феълнинг шахссиз шаклларининг ҳар хил вариантдаги синтаксемаларнинг кенг спектри ва уларнинг бошқа синтаксемалар билан ўзига хос боғлана оладиган синтактик семантикани ўрганишда ёрдам берган;

инглиз тили ўқитишнинг замонавий технологияларини кенг тарғиб этиш мақсадида Самарқанд телерадиокомпаниясининг «Инглиз тилини ўрганамиз», «Хорижий тилларни биламизми?», «Инглиз тилида сўзлашамиз» номли телекўрсатув ва радио эшиттиришларда тадқиқот асосида ишлаб чиқилган усуллар қўлланилмоқда (СТР телерадиокомпаниясининг 8 сентябрь 2016 йилдаги 09.02/272- сонли маълумотномаси). Диссертацияда келтирилган гап структурасидаги феълнинг шахссиз шакллари тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар феълнинг шахссиз шакллари ва уларнинг синтактик - семантик белгиларининг дистрибуциясини ўқитишда инобатга олиш зарурлигини кўрсатиб берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий - амалий анжуманларида ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр этилган, шулардан, 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 11 та мақола, шулардан 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадий адабиётлар рўйхати ҳамда ишда фойдаланилган символлар, моделлар, жадваллар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гап структурасида феълнинг шахссиз шакллари**ни ўрганишнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида феълнинг шахссиз шакллари (инфинитив ва *феъл V-ing шакли*) ривожланиши тарихини морфология ва синтаксис нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Феълнинг шахссиз шакллари тадқиқотлари тилшуносликда кўп йиллардан буён олиб борилади. Феълнинг ўзига хос шакллари сифатида ушбу шакллар ҳар хил тилларнинг, хусусан, инглиз тилининг назарий ва амалий грамматикаси бўйича барча қўлланмаларда ўрганилади. Феъл шакллари шахсли ва шахссизга ажратиш универсал сифатида эътироф этилган, уларнинг номланишида умумийлик йўқ. Баъзан феъл шахссиз шакллари отлашган, нопредикатив, ноинфинитив, «verbids» (М.Я. Блох), «verbals» (Б.А. Ильиш), «вербалиялар» (И.П. Иванова) ва вербоид деб ҳам номлайдилар. Ишимизда, адабиётларда ва грамматикаларда мавжуд «феълнинг шахсга оид шакли» оппозитив термини (истилоҳи) билан боғланувчи «феълнинг шахссиз шакллари» термини қабул қилинган.

Айрим грамматиклар сифатдош I ни герундийдан фарқламайдилар ва фақат сифатдошни тан олиб, уларни ягона «Verbal ing» термини билан номлаб, уларни предлоглар билан бирикувда ва предлогсиз тадқиқ этадилар (Е. Kruisinga, М.Н. Орембовская, Л.С. Бархударов). Бу ерда [ing] сўз ўзгартирувчи морфема бўлиб, ҳам отларда (the reading of the bill), ҳам сифатларда (an interesting man) қўлланилиши назарда тутилади.

Феълга оид белги-хусусиятларнинг ривожланиш тарихидан маълумки, сифатдош герундийдан анча олдин, сифатдошда феълга оид хусусиятлар ривожланган ва перфект ҳамда пассив каби мураккаб шакллар юзага келганида пайдо бўлган.

Кейинги даврларда инглиз грамматикаларида сифатдошни герундийдан фарқлаш анъана тусига киради. Сифатдош ва феълдан ясалган от –ing га туговчи шакли бўйича тўлиқ мос келаркан, шундай бўлсада, гапда улар бажарадиган синтактик вазифаларига, шунингдек бошқа сўзлар билан бирика олиш хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қиладилар: феълдан ясалган от, сифатдошдан фарқли ўлароқ, артикл (аниқ ва ноаниқ) билан қўлланилиши ҳамда ундан олдин сифат, эгалик олмоши ёки қаратқич келишигидаги от келиши мумкин.

Мазкур иш бошқа тадқиқотлардан феълнинг шахссиз шакллариغا эга гапларнинг компонентли ва синтаксемали таҳлилини амалга оширганлиги билан фарқ қилади.

Инфинитивни кўриб чиқаётиб феълга ёки сифатга кўшимча сифатида ҳар қандай маънода бирикишини ажралиб турадиган умумийликни, инфинитивга боғлиқликни ва тўлиғича барча бирикмаларнинг маъноси ва инфинитивнинг бошланғич хусусияти катта маъно беришини олимлар сўзлар семантикасида ҳисобга олишмайди. Ушбу масала аниқ лингвистик усуллар асосида махсус тадқиқ қилишни талаб қилади.

Кейинги ўн йиллик тадқиқотларида одатий синтаксис, авваллари тасаввур қилингандан анча мураккаб ва кўп қатламли ҳодиса эканлигини тўла аниқлик билан тасдиқланган<sup>4</sup>. Гап конструктив ёки формал, семантик, коммуникатив ва коммуникатив-прагматик синтаксислар хусусида бормоқда. Ҳозирги кунда синтаксис конфигурация назарияси тадқиқ қилинаёпти. Фактик материалнинг таҳлили диссертацияда асосан конструктив таҳлил нуқтаи назаридан амалга оширилиб, унда анъанавий грамматиканинг формал-конструктив негизига мазмуний мезонлар ҳам қўшилади.

Синтаксисни турли аспектлардан узоқ ўрганилишига қарамасдан, гаплар структурасидаги феълнинг шахссиз шакллариининг мазмуний хусусиятлари ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган, чунки синтактик мазмун муаммоси шу вақтгача одатда сўз шакллариининг лексик маъносидаги тушунчавий мазмун планида ҳал қилинган.

Америка структурализмининг вакиллари грамматиканинг базасини назарий жиҳатдан соф формал асосга куришган. Бироқ улар тилнинг конкрет таҳлили тажрибасидан синтаксис сатҳида семантикани ҳисобга олмаслик мумкин эмас деган хулоса чиқади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, синтактик сатҳда гаплар структурасидаги феълнинг шахссиз шакллариининг семантик хусусиятлари махсус тадқиқот объекти сифатида олинмаган.

Мазкур ишда синтактик тадқиқот экспериментал аспектда амалга оширилган. Бунда ишимиз қуйидаги тамойилларга таянади: 1) феълнинг шахссиз шакллариға эга гап маъноси билан узвий бирликда трансформациянинг ҳар хил турларидан фойдаланиш зарур; 2) гапларнинг структурасидаги у ёки бу позицияларда феълнинг шахссиз шакллариининг дифференциал синтактик ва синтактик-семантик белги-хусусиятларини қатъий фарқлаш даркор. Лингвистик эксперимент ўрганилаётган гап унсурларининг релевантли хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Гапнинг синтактик алоқалар базасида аниқланмиш компонентлари гап структурасининг “зоҳирий қатламини” ҳосил қилади, шу сабабли бундай таҳлил ушбу гап зоҳирий структурасининг, яъни синтагматик муносабатларнинг тадқиқи ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Расповов И.П. Несколько замечаний о синтаксической парадигматике // Вопросы языкознания. – Москва, 1969. – №4. – С. 43-48.

Ушбу диссертацияда феълнинг шахссиз шаклларига эга гап синтагматика ва парадигматика нуктаи назаридан ҳозирги назария соҳасида синтактик сатҳда тадқиқ қилинади.

Гапнинг синтагматик моделларини ўрганишга турлича ёндашувлар мавжуд (И.А.Томсон, М.Я.Блох, П.Адамец, Е.А.Седельникова). Аммо уларнинг ҳаммаси гап структурасидаги ядроларни ва тобе компонентларни аниқлаш билан синтагматик муносабатларни ўрнатиш, элементар синтактик бирликлар орасидаги синтактик алоқалар негизида зохирий ва ботиний структураларни аниқлаш, минимал синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик хусусиятларини аниқлашдан иборат (бу лингвистик амалиётга кирган ҳодиса).

Феълнинг шахссиз шаклларига эга гап тадқиқи билан боғлиқ ҳолда «синтагматика» тушунчаси бизнинг ишимизда компонентли таҳлил сифатида тушунилади. Феълнинг шахссиз шаклларига эга гап структурасининг компонентли таҳлилида элементар синтактик бирликлар орасидаги синтактик алоқалар турларини фарқлаш жиддий роль ўйнайди. Ушбу синтактик алоқаларни тавсифлаш учун биз трансформация усулидан фойдаландик. Мазкур лингвистик усулнинг танланиши феълнинг шахссиз шаклларига эга гап структурасида феълнинг шахссиз шакллари ва гапнинг бошқа бўлаклари орасидаги синтактик алоқаларни аниқламай туриб, гап компонентларининг дифференциал синтактик хусусиятларини аниқлаш мураккаблиги билан асосланади<sup>5</sup>. Феълнинг шахссиз шаклларига эга гап компонентларининг ушбу синтактик хусусиятлари қаршилантириш-контрастлар тизимидаги синтагматик планда тавсифланади.

Парадигма тушунчаси лисоний структуранинг турли сатҳларидаги лисоний бирликлар орасидаги муносабатлар тизимлиги билан боғланади. Лисоний бирликларнинг парадигмага бирлашиши улар орасидаги муайян ўхшашлик жиҳатларига асосланади. Синтаксисдаги парадигма – гап парадигмаси – асосан гапнинг марказий ядроси – кесимни ифодалашнинг морфологик воситалари вариантланиши аспектида ўрганилади. Кесимнинг ўзгартирилиши гап парадигматикасининг асосини ташкил этади.

Ушбу ишда парадигматика синтагматик сатҳда шуни кўрсатадики синтагматик ҳодисалар тизмли тавсифига кўра гапнинг ботиний тузилишини ташкил қилади.

Диссертацияда феълнинг шахссиз шаклининг (синтаксемалар) синтаксик-семантик белгилари турли семантик ўринларни эгаллайди ва улар парадигматик қаторни ташкил қилади.

Элементар синтактик бирликлардаги семантикани аниқлаш парадигматик планда қарама-қарши қўйилган тизимда гапдаги элементларнинг ( мазмунли) категорияли синтактик-семантик белгиларини диссертацияда ажралиб туришини кўрсатади.

---

<sup>5</sup> Мухин А.М. Синтаксические единицы в аспектах парадигматических и синтагматических отношений // Синтагматика и парадигматика и их взаимоотношение на уровне синтаксиса. – Рига, 1970. – С.104-108.

Синтактик бирликларнинг мазмунли белгилари тилга тегишли бўлмаган ҳолатлар билан таққосланади, улар семантик аниқроғи синтаксик-семантик ҳисобланади.

Шундай таҳлил асосида гапнинг «ботиний қатламини» ҳосил қилувчи элементар синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик хусусиятлари аниқланди. Феълнинг шахссиз шаклларига эга гапнинг ботиний структураси гап структурасида феълнинг шахссиз шаклларининг мавжуд синтактик нуктаи назари негизида ўрганилади. Гап парадигматикасини таърифлашда тадқиқотчи нутқнинг конкрет қисми доирасидан чиқади, яъни икки ёки ундан ортиқ гапни қиёслайди<sup>6</sup>.

Диссертацияда аниқланган феълнинг шахссиз шаклларининг синтактик-семантик хусусиятлари синтактик семантикалар маълум синтактик-семантик хусусият умумийлиги асосида бирлашадиган парадигматик қаторларини ва синтактик бирликларнинг парадигматик қаторларини асослаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Гап структурасида инфинитив ва феълнинг V-ing шакли дистрибуцияси**» номли иккинчи бобидан инфинитив ва феълнинг V-ing шаклида гапнинг компонент таркиби кўриб чиқилади.

Бизнинг нуктаи назаримизда, инфинитивли гапнинг компонентли таркибини ўрганиш лисоннинг синтактик сатҳида гапнинг анъанавий таҳлилидан фарқ қилади. Анъанавий грамматикада «эга» ва «кесим» терминларидан одатда гапнинг мувофиқ компонентларининг мустақил маънога эга номлари сифатида фойдаланилади. Терминологик аниқлик мақсадларида экспериментал аспектда «эга» ва «кесим» терминларидан воз кечиб, уларнинг ўрнига бир ядро компонентни бошқасидан фарқловчи дифференциал синтактик белги-хусусиятларнинг номлари билан алмаштириш даркор. Агар гапнинг ядро компонентларининг номлари сифатида «эга» ва «кесим» терминлари қолдирилса, эга ва кесимнинг синтактик мазмуни икки белгидан иборатлигини назарда тутиш лозим: ядровийлик хусусияти ва предикатланувчанлик ёки предикатланиш хусусиятлари. Предикатланувчанлик ёки предикатланиш белгилари бир-бирини тақозо қилади. Бир вақтнинг ўзида предикатланиш хусусият-белгисини ажратмасдан предикатланувчанлик белгисини фарқлаб бўлмайди ва аксинча. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари позициясида келадиган элементлар тобе компонентлар сифатида тавсифланади. Ушбу барча дифференциал синтактик хусусиятлар синтагматик планда тавсифланади, яъни элементларнинг бир-бирига қаршилантеририлиши сифатида.

Мазкур ишда гап структураси таҳлилининг етакчи усули лингвистик эксперимент усули – ҳар хил турлар (тушиб қолиш, кўшимча, номинализация, экспликация ва ҳоказолар) трансформацияси ҳисобланади. Ушбу усуллар ёрдамида компонентлар орасидаги синтактик алоқалар исботланган ва гап компонентларининг дифференциал синтактик хусусиятлари аниқланди.

---

<sup>6</sup> Мухин А.М. Синтаксический анализ и проблема уровней языка. – Ленинград: Наука, 1980. – С.4.

Таъкидлаш лозимки, анъанавий грамматикаларда сўз бирикмалари сатҳидаги синтактик алоқалар предикативли ва предикативли бўлмаганларга бўлинади. Предикативли ва предикативли бўлмаган сўз бирикмалари орасидаги фарқлар уларнинг гап таркибидаги коммуникатив ва грамматик ролларининг катъий фарқлари билан боғлиқдир. Предикативли бўлмаган сўз бирикмаларининг коммуникативли ўзига хослиги уларда предметнинг белгисини аниқлаштириш учун белги йўл-йўлакай кўрсатилишидан иборат. Предикативли сўз бирикмаларида белги-хусусиятнинг ифодаланиши муқаррар тарзда предмет – белги-хусусият ташувчи борасидаги фикр-жумла билан боғлиқ бўлади.

Инфинитивли гап компонентли таркибини конкрет фактик материал асосида ўрганишда ишимизда инфинитивнинг гап структурасидаги ҳар хил позициялари аниқланган: 1. ядро предикатланувчи компонент (эга-NP<sub>1</sub>) позициясида: ***To pretend** was useless (JKLA,183)*; 2. ядро предикатловчи компонент (кесим – NP<sub>2</sub>) позицияси: *I can't **promise** you anything (JKLA,188)*;

3. ядросиз тобе компонент позицияси (ND): *Elizabeth wanted **to smash** something (JMPA,71)*; 4. ядросиз предикатловчи компонент позицияси (NP<sub>2</sub>):

*I want him **to meet** Stone at the club (SGDL,255)*; 5. киритма элемент позицияси (Par): ***To tell the truth**, I am tired (SNS, 135)*.


Синтактик алоқаларни асослашда инфинитив гап структурасида ядро предикатив, ядро предикатив бўлмаган, субординатив ва интродуктив алоқалар базасида зоҳирланиши мумкинлиги аниқланди.

Компонентларни ва гап структурасида улар орасидаги синтактик алоқалар турларини кўргазмалар тасвирлаш учун диссертацияда моделлаштириш – компонентли ва юнкцион моделларни куриш усулидан фойдаланилди. «Юнкцион модел» термини лотин тилидаги «junction» – бирлашиш, алоқа сўзидан келиб чиққан. Ушбу модел горизонтал (чизиқли) ва гап компонентларининг бир-бирига нисбатан реал жойлашувига мувофиқ курилиши лозим. У гапнинг «туб ботиний структурасини» акс эттиради. Компонентли модел эса компонентларнинг формал хусусиятларини ифодалайди – компонентларни ифодалашнинг морфологик услублари (бу гапнинг зоҳирий структураси).

Маълум гап структурасида *инфинитив ядро предикатланувчи компонент (эга-NP<sub>1</sub>) позициясида* – *to* юклагачи билан тавсифланади ва инглиз тилида ядро предикатив алоқалар базасида зоҳирланади. Ядро предикатив алоқа ўз-ўзича бошқа синтактик алоқалар мавжудлигидан мустақил ҳисобланади ва гап яратишга қодир. Ушбу алоқа бир-бирини ўзаро тақозо қилувчи икки ядро компонент орасида иштирок этади. Юнкцион моделдаги эга ва кесим орасидаги синтактик алоқа (ядро предикатив) икки чизиқ ҳамда икки томонга йўналтирилган ўқлар билан белгиланади (  $\longleftrightarrow$  )

*To argue is useless (MEAS,166)*.

Мазкур гапда биринчи *to argue* элементи ядро предикатив алоқалар базасидаги гап структурасида *is useless* синтактик бирлигига нисбатан келади, *to argue* элементи ядро предикатланувчи компонент сифатида тавсифланади.




$$\text{ю.м.1. } \frac{NP_1}{V \text{ inf}} \bullet \frac{NP_2}{cA}; \text{ к.м.1.}$$

Инфинитив ядро предикатловчи компонент (кесим –  $NP_2$ ) позициясида модал феъллар билан бирикишда зоҳирланиши мумкин. Масалан, (***I couldn't live with him*** (SGDL, 239), (2) ***He was going to stay there*** (CSS, 22) гапда.

**With him, there** синтактик бирликлари  $NP_2$  позициясидаги таянч компонентларга (***couldn't live***, ва ***was going to stay***) **I** элемент ва **he** ядро предикатив асосда боғланишда кўринади, синтактик инфинитив элемент **him**, **there** нисбатан тобе компонент бўлиб, субординативли алоқа негизида келади. Шундай қилиб, ушбу (1,2) гаплар бир юнкцион ва компонентли модель тавсифига мос тушади, лекин бу компонентларнинг морфологик хусусиятлари ҳар хил бўлиши мумкин:

1) *I couldn't live with him.*


2) *He was going to stay there.*



$$\text{ю.м. } \frac{NP_1}{Pnp} \bullet \frac{NP_2}{mvV \text{ inf}} \bullet \frac{\bar{N}D}{prPnp} \quad \text{к.м.2.1. } \frac{NP_1}{Pnp} \bullet \frac{NP_2}{mvV \text{ inf}} \bullet \frac{\bar{N}D}{Adv} \quad \text{к.м.2.2.}$$

Ядро предикатив бўлмаган алоқа базасидаги инфинитив ядро предикатловчи бўлмаган компонент позициясида ( $\bar{NP}_2$ ). Ядро предикатив бўлмаган алоқа ядро алоқадан фарқли ўлароқ, гапнинг структур асосини яратмайди, бироқ у ҳам иккиёқлама йўналтирилган ҳисобланади.


*She was inclined to forgive him* (JKLA, 252).



$$\text{ю.м.3. } \frac{NP_1P_1}{Pnp} \bullet \frac{NP_2}{auxVp_2} \bullet \frac{\bar{NP}_2}{V \text{ inf}} \bullet \frac{\bar{N}D}{Pnp} \quad \text{к.м.3.}$$

Юнкцион моделдан кўриниб турибдики, **she** синтактик элемент гап структурасида икки синтактик алоқа базасида келмоқда: ядро предикатив ҳамда ядро предикатив бўлмаган ва шу сабабли **she** ядро икки қарра предикатланувчи компонент сифатида ( $NP_1P_1$ ) тавсифланади.

Феълнинг V-ing шакли гап структурасида қуйидаги синтактик позицияларда учрайди (бир турли бўлиши мумкин бўлган ядро предикатланувчи компонент; ядро предикатловчи компонент, худди шу компонент бир турли бўлиши мумкин; ядро предикатловчи бўлмаган компонент; ядро тобе бўлмаган компонент позицияларида). Масалан, бир турдаги ядро предикатловчи бўлмаган компонент позицияли гап. Мисол учун: *Heyst stooped him **thanking and apologizing** for the liberty* (JC,40).



$$\text{ю.м.4.}$$

$$\frac{NP_1}{S} \bullet \frac{NP_2}{Vf} \bullet \frac{\bar{N}DP_1}{Pnp} \bullet \frac{IH \bar{NP}_2}{Ving} \bullet \frac{III \bar{NP}_2}{Ving} \bullet \frac{\bar{N}D}{prS} \quad \text{к.м.4.}$$



Ушбу позициялардаги феълнинг V-ing шакли гап структурасида куйидагича синтактик алоқалар билан тавсифланади: ядро предикатив, координатив, аппозитив, субординатив, ядро предикативли бўлмаган ва интродуктив алоқалар. Предикатланувчанлик, предикатлашнинг дифференциалли синтактик хусусият-белгиларини исботлашда биз томонимиздан гап компонентлари ушбу хусусиятларининг барқарорлигини ва ядро компонентларни формал-морфологик ифодалашнинг вариантлашуви кузатилди.

